

(1892-йил, октабр, Кўкон - 1937-йил 3-октабр)

Давлат, сиёсат арбоби, тилшунос олим ва дипломат. Ўзига тўк козок оиласида дунёга келган. Кўкондаги рус-тузем мактаби (1905), савдо билим юрти (1913) тугатган. Москва савдо институтининг иктисод факултетида ўқиган (1913-16). 1-жаҳон уруши пайтида гарбий фронт (Минск яқини)да Бутун Россия Земство иттифокининг йўриқчиси (1916). “Еркин дала” яширин ташкилоти раҳбари (1916). Эсерлар партиясининг аъзоси (1918).

1918-19-йилларда Кўкондаги совет идораларида турли лавозимларда ишлади. Кейинчалик Туркистон АССР Маориф халқ комиссари (1920), Туркистон АССР МИК раиси (1920-йил сентябр - 1921-йил август), Туркистон КП МК масъул котиби (1921-22). Туркистон МИК ҳузуридаги Киргиз (козок) бўлими раиси (1921-22). Туркистон “Кўшчи” уюшмасининг ташкилотчиларидан бири. Н. Тўракулов бу лавозимларда ишлаш жараёнида совет ҳокимияти ва болшевиклар партиясига садокатини намоиш қилди. Т. Рискулов ва унинг тарафдорлари бўлган миллий коммунист раҳбарлар фикрларига қарши турди.

Туркистон мухторияти ҳукумати ва Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракатига тўғри баҳо бера олмади ва уларни йўқотиш тарафдори бўлди. Москвага чақириб олинди ва совет халқлари Марказий нашриёти раиси лавозими (1922-28) тайинланади. У моҳир журналист ва публицист ҳам эди. У ўз мақолаларида асосан совет турмуш тарзининг афзалликларини кўрсатишга ҳаракат қилди.

1928-йилда Н. Тўракулов элчилик ишига жалб қилинади ва СССРнинг Хижоз давлатидаги (ҳозирги Саудия Арабистони) Бош консули ва Мухтор элчиси вазифаларида ишлади (1928-1936). У Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини яхши билганлиги учун ислом оламида шухрат қозонди.

Н. Тўракулов Москва ва Ленинграддаги Шарқ халқлари институти илмий ходими ва проректори (1936-37) бўлиб ҳам ишлади.

У канчалик совет ҳукуматига, болшевиклар партиясига содиқ бўлмасин, мустабид тузумнинг қонли катагонидан қутулиб қола олмади. 1937-йил 15-июнда қамолқа олинди ва қотишга ҳукм қилинди (1937-йил 3-октабр). 1958-йилда оқланган.